

**Лойиҳа-смета ишларини бажариш бўйича
12/22-сонли ШАРТНОМА**

Тошкент шаҳри

2022 йил “18” ноябр

“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УҚ Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан 2022 йил 03 октябрдаги 33-сонли Бош ишоннома асосида иш юритувчи бошқарма бошлиғи в.в.б Махсудов А бир томондан ва ALFA-BEST STROY MCHJ (кейинги ўринларда «Лойиҳачи» деб юритилади) номидан Низом асосида иш юритувчи унинг бош директори **Кулбоев Ж.**, иккинчи томондан, кейинги ўринларда биргаликда “Тарафлар” деб юритилади, мазкур шартномани, кейинги ўринларда “шартнома” деб юритилади, қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Лойиҳачи мазкур шартнома шартларига кўра “Тошкент вилояти Чиноз тумани “Қози” МФЙда, янги қурилаётган кўп қаватли уй-жойларнинг ичимлик ва оқава сув тизимларини қуриш” объекти бўйича амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда мазкур шартнома асосида, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва ижобий экспертиза ҳулосасини олиш, топо-геодезия ва геология ишлари, техник кўрик (техобследование) (заруратга кўра), Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш лойиҳаси (ЗВОС) ва уни экспертизадан ўтказиш, қурилишнинг бутун даври мобайнида муаллифлик назоратини амалга ошириш ишларини бажариш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

1.2. Лойиҳачи Буюртмачи томонидан бошланғич маълумотлар тақдим этилиб, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказиб, бўнак (аванс) тўловларини амалга оширган кундан бошлаб 20 иш кунини ишларни бажаради.

2. Шартнома бўйича ишлар қиймати, тўловлар ва ҳисоб-китоблар

2.1. Мазкур шартнома бўйича Лойиҳачи томонидан танлов комиссиясининг 2022 йил 08 ноябрдаги 173105 -сон баёни қарорига мувофиқ бажариладиган ишлар қиймати барча солиқлар шу жумладан, ҚҚС билан **24 000 000** (йигирма тўрт миллион) сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи шартномани Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказгандан сўнг 5 (беш) иш кунини ичида шартнома баҳосининг 15 фоиз миқдорини аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ аванс маблағлари мутаносиб равишда ушлаб қолинган ҳолда ишларнинг натижалари тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланадиган ва муҳрлари билан тасдиқланадиган топшириш-қабул қилиш далолатномаси ҳамда ҳисоб-фактура расмийлаштирилиб, манзилли рўйхат асосида маблағлар ажратилгандан кейин ўрнатилган тартибда тўланади.

2.4. Лойиҳачи томонидан бажарилган ва Буюртмачи томонидан қабул қилинган ишлар учун якуний ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигини бузилишига йўл қўймайдиган муддатларда ва тартибда амалга оширилади.

2.5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда қурилиш қийматини кўпайтириш;

- буюртмачи томонидан ишлар ҳажмига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда.

2.6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш Тарафлар ўртасидаги шартномага қўшимча шартнома асосида амалга оширилади.

3. Лойиҳачининг мажбуриятлари

3.1. Лойиҳачи қуйидагиларга мажбур:

3.2. Лойиҳалаш ҳақидаги топшириқга ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ, ишларни бажариш ва натижасини шартноманинг 1-иловасида белгиланган муддатда Буюртмачига топшириш;

3.3. Тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачи билан келишиш;

3.4. Буюртмачи, тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича асосланган эътирозларини инобатга олиб лойиҳа-смета ҳужжатларига тузатишлар киритиш;

3.5. Ишларнинг натижаларини Буюртмачига 3 (уч) нусхада ва электрон (pdf) кўринишда топшириш;

3.6. Буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик.

3.7. Лойиҳачи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар)ни 5 (беш) иш куни мобойнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қилишни ўз зиммасига олади.

Агар Лойиҳачи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотларда аниқланган камчиликларни, 5 (беш) иш куни ичида Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул қилинган деб ҳисобланади ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

4. Буюртмачининг мажбуриятлари

4.1. Буюртмачи куйидагиларга мажбур:

4.2. Шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда шартномани 1 ва 2.1. бандларида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва ишларни бажарганлик учун Лойиҳачига ҳақ тўлаш;

4.3. Лойиҳачидан олинган лойиҳа-смета ҳужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини Лойиҳачининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик;

4.4. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар) уч кун муддатда тақдим қилиши шарт.

4.5. Ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Лойиҳачи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Лойиҳачидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш.

5. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

5.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Лойиҳачи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси асосида топширади.

5.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва иш натижаларини олгандан сўнг 10 (ўн) кун ичида ишларни қабул қилиш ва Лойиҳачига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида Лойиҳачига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Лойиҳачига қайтариши шарт.

5.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

5.4. Агар лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, тарафлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

5.5. Лозим топилган ҳолларда тарафлар мустақил экспертларга лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

5.6. Лойиҳа-смета ҳужжатларида шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета ҳужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш

имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Лойихачи 10 кун муддат ичида ёзма равишда огоҳлантириш ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

5. Конфиденциал маълумотларни ҳимоялаш

5.1. Лойиха-смета ҳужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Лойихачи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. Тарафларнинг жавобгарлиги

6.1. Лойихачи лойиха-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиха-смета ҳужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир.

6.2. Лойиха-смета ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Лойихачи Буюртмачининг талаби билан лойиха-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши шарт.

6.3. Буюртмачи шартнома бўйича ҳақ тўланмаганлик (ўз вақтида тўланмаганлик) учун Лойихачига тўлов муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун ўз вақтидан тўланмаган сумманинг 0,4 фоиз миқдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Лойихачи ишларни ўз вақтида бажармаганлиги учун Буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоиз миқдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.5. Пенянинг тўланганлиги ва зарарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

6.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

7. Форс-мажор ва низоларни ҳал қилиш тартиби

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки позим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир.

7.2. Мазкур шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

7.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар даъвогарнинг танлови бўйича Тошкент туманлараро иктисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

8. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби

8.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшичалар улар ёзма равишда расмийлаштирилиб, тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

8.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Лойихачининг айби билан ишларнинг бориши ушланиб қолса ва ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддатидан 30 кун ошиқ муддатга кечиктирилса;

- Лойихачининг шартнома шартларини бузиши оқибатида берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

8.4. Лойихачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Лойиҳачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиҳа ишлари Буюртмачи томонидан 30 кундан ошиқ муддатга тўхтатилса;

- Буюртмачи лойиҳалаш ишларининг хакини тўлаш имкониятига эга бўлмаса ёки тўловларни сабабсиз асосларга кўра кечиктирса.

8.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

10. Алоҳида шартлар

10.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

10.2. Лойиҳачи лойиҳага ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, бирон-бир учинчи томонга бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

10.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

10.4. Буюртмачи билан Лойиҳачи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар киритиш орқали ёзма равишда тасдиқлашлари керак.

10.5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

10.6. Мазкур шартнома 2022 йил 31 декабр гача амал қилади. Шартнома 2 (икки) нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг юридик кучга эга.

11. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

Буюртмачи:

Лойиҳачи:

“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси

ООО «ALFA BEST STROY»

Манзил: Тошкент ш., Ниёзбек йули, 1
ШХР: 3011 2186 0274 0170 6320 1110 292
тел. 71-234-30-46; 71-234-05-08
ИНН. 305 973 162, ОКЭД 42210
Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳар
Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса
маркази (ХККМ)
ЯҒҲ: 23 402 000 300 100 001 010
МФО:00014, ИНН: 201 122 919

Тел: (371) 241-25-26 Факс: (371) 241-25-26
Ул. Гулшан Пскентский район
офис: г.Ташкент, ул.А.Кодирий 7а
P/c: 20 208 000 500 948 697 001
АТБ Халк банк, Уртачирчикского ф-л
МФО: 00775; ИНН: 305890529
ОКОНХ: ОКЭД:

Бошқарма

Бошлиғи в.в.б.

М.Ў.

(имзо)

Махсудов А

Директор

М.Ў.

(имзо)

Кулбоев Ж

Юрист

**173105 лот юзасидан шакланган дастлабки
баённоманинг муҳокамаси натижаси бўйича расмийлаштирилган электрон
баённомаси**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сонли қарорига асосан дастлабки электрон баённома у расмийлаштирилган кундан бошлаб давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.

Икки иш куни ичида иштирокчилар томонидан танлаш (тендер) ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар тушмаганлиги тўғрисида харид комиссияси аъзолари тегишли қарор қабул қилди.

Муҳокама тугаган сана:

18.11.2022 14:10

Комиссия раиси:

MAXSUDOV ANVAR SOYIBOVICH

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 173105 на приобретение Чиноз тумани "Қози" МФЙ

Способ проведения электронный

Дата 08.11.2022

Время рассмотрения 08.11.2022 14:02

Закупочная комиссия Сув таъминоти вакова сув объектларини қурилиши бўйича инженеринг компанияси унитар корхонаси Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	MAXSUDOV ANVAR SOYBOVICH	Бошқарма бошлиғи в.б	“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инженеринг компанияси” УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси
Секретарь комиссии	ISAQULOVA DILNOZA BERDIKULOVNA	Бўлим бошлиғи	“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инженеринг компанияси” УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси
Член комиссии	MUXITDINOV ISLOM ISROILOVICH	Бошқарма бошлиғи Уринбосари	“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инженеринг компанияси” УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси
Член комиссии	URALBAYEV FARMONBEK TURABAYEVICH	Бошқарма бошлиғи	“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инженеринг компанияси” УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси
Член комиссии	KARIMOV KARIMJON YUSUFOVICH	Бўлим бошлиғи	“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инженеринг компанияси” УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси
Член комиссии	OKILOV RASHODXON RAMIZXON O'G'LI	Бўлим бошлиғи	"Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инженеринг компанияси" УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 08.11.2022 года № лота 173105.

Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по разработке проектно-сметных работ
Подробное описание	Чиноз тумани "Қози" МФЙ
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	25 000 000.00

Стартовая сумма	25 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Олий маълумотли профил буйича 5 йил иш стажига эга мутахассислар – 2 киши

Тип: Текстовое значение

Описание: Олий маълумотли профил буйича 5 йил иш стажига эга мутахассислар – 2 киши

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"MIRZACHOL AGRO QURILISH LOYIHA" mas'uliyati cheklangan jamiyati	20	Буюртмачи тавсифига кўра	0	Экспертная	Дисквалифицирован	Маълумотлар урнатилган тартибда юкланмаган
Architects Project Group MCHJ	20	Буюртмачи тавсифига кўра	0	Экспертная	Дисквалифицирован	Маълумотлар урнатилган тартибда юкланмаган
OOO SMART ARCHENG	20	20	20	Экспертная		
ALFA-BEST-STROY MCHJ	20	20	20	Экспертная		

Критерий №2 Олий маълумотли қурилиш соҳасида 5 йил иш стажига эга раҳбарлар – 1 киши

Тип: Текстовое значение

Описание: Олий маълумотли қурилиш соҳасида 5 йил иш стажига эга раҳбарлар – 1 киши

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"MIRZACHOL AGRO QURILISH LOYIHA" mas'uliyati cheklangan jamiyati	10	Буюртмачи тавсифига кўра	0	Экспертная	Дисквалифицирован	Маълумотлар урнатилган тартибда юкланмаган
Architects Project Group MCHJ	10	Буюртмачи тавсифига кўра	0	Экспертная	Дисквалифицирован	Маълумотлар урнатилган тартибда юкланмаган
OOO SMART ARCHENG	10	10	10	Экспертная		
ALFA-BEST-STROY MCHJ	10	10	10	Экспертная		

Критерий №3 Ишларни бажаришга лицензия мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишларни бажаришга лицензия мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"MIRZACHOL AGRO QURILISH LOYIHA" mas'uliyati cheklangan jamiyati	20	Буюртмачи тавсифига кўра	20	Экспертная		
Architects Project Group MCHJ	20	Буюртмачи тавсифига кўра	20	Экспертная		
OOO SMART ARCHENG	20	20	20	Экспертная		
ALFA-BEST-STROY MCHJ	20	20	20	Экспертная		

Критерий №4 Солиқдан қарздорлиги йиғлиги тўғрисида QR кодли маълумотноманинг мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқдан қарздорлиги йиғлиги тўғрисида QR кодли маълумотноманинг мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"MIRZACHOL AGRO QURILISH LOYIHA" mas'uliyati cheklangan jamiyati	20	Буюртмачи тавсифига кўра	20	Экспертная		
Architects Project Group MCHJ	20	Буюртмачи тавсифига кўра	20	Экспертная		
OOO SMART ARCHENG	20	20	20	Экспертная		
ALFA-BEST-STROY MCHJ	20	20	20	Экспертная		

Критерий №5 Охириги 1 йилда ўшаш ишларни бажарганлик – буюртмачи чегаравий қийматининг 50 фоизидан юқори

Тип: Текстовое значение

Описание: Охириги 1 йилда ўшаш ишларни бажарганлик – буюртмачи чегаравий қийматининг 50 фоизидан юқори

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"MIRZACHOL AGRO QURILISH LOYIHA" mas'uliyati cheklangan jamiyati	20	Буюртмачи тавсифига кўра	0	Экспертная	Дисквалифицирован	Маълумотлар урнатилган тартибда юкланмаган
Architects Project Group MCHJ	20	Буюртмачи тавсифига кўра	20	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OOO SMART ARCHENG	20	20	20	Экспертная		
ALFA-BEST-STROY MCHJ	20	20	20	Экспертная		

Критерий №6 Гувоҳнома мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Гувоҳнома мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"MIRZACHOL AGRO QURILISH LOYIHA" mas'uliyati cheklangan jamiyati	10	Буюртмачи тавсифига кўра	10	Экспертная		
Architects Project Group MCHJ	10	Буюртмачи тавсифига кўра	10	Экспертная		
OOO SMART ARCHENG	10	10	10	Экспертная		
ALFA-BEST-STROY MCHJ	10	10	10	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ALFA-BEST-STROY MCHJ	25 000 000.00	24 000 000.00 UZS	24 000 000.00	00.00	24 000 000.00	04.11.2022 14:43:08	100
OOO SMART ARCHENG	25 000 000.00	25 000 000.00 UZS	25 000 000.00	00.00	25 000 000.00	04.11.2022 14:29:01	96

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
"MIRZACHOL AGRO QURILISH LOYIHA" mas'uliyati cheklangan jamiyati	Не прошел	Не прошел	Не прошел
ALFA-BEST-STROY MCHJ	Прошел	100	100
Architects Project Group MCHJ	Не прошел	Не прошел	Не прошел
OOO SMART ARCHENG	Прошел	96	96

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 173105 от 08.11.2022 года на приобретение Чиноз тумани "Қози" МФЙ определила победителем:

ALFA-BEST-STROY MCHJ

305890529

и резервный исполнитель: ООО SMART ARCHENG (306426041)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	MAXSUDOV ANVAR SOYIBOVICH	Согласен	
Член комиссии	MUXITDINOV ISLOM ISROILOVICH	Согласен	
Член комиссии	KARIMOV KARIMJON YUSUFOVICH	Согласен	
Член комиссии	OKILOV RASHODXON RAMIZXON O'G'LI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

"Узсувтаъминот" АЖ бошқарув раиси в.б

С.Саифназаров

2022 й.



"Келишилади" Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси

А.Мелиев

2022 й.



"Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича илжинириг компанияси" УК Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси буюртмачисига Молия вазирлиги хузуридаги Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси ҳисоби нун таъбиркорлик субъектлари томонидан 2022 йилда қуриладиган куп квартиралар уй-жойлар массивларини ташки ичимлик ва оқова сув объектларини қуриш бўйича

МАНЗИЛЛИ РУЙХАТИ

(Вақирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 февралдаги 22-сонли баени)

№	Объектлар номи ва манзили	Қуриши боғ'ланган ва қуришни ташкил қилиш йили	Давра ва кўлем	Объектнинг умумий қиммати (қуриш ва оқова сув объектлари ҳисобидан)	01.01.22 й. ҳолатида объект қаддиқ қиммати жумладан, буюртмачи банкка харажатлари	01.01.22 й. ҳолатида объектнинг қаддиқ қиммати жумладан, буюртмачи банкка харажатлари	01.01.22 й. ҳолатида объектнинг қаддиқ қиммати жумладан, буюртмачи банкка харажатлари	2022 йил учун қаралган қурилишлар даражаси					2022 йилда қуриладиган объектларнинг		01.01.23 й. ҳолатида объектнинг қаддиқ қиммати жумладан, буюртмачи банкка харажатлари	01.01.23 й. ҳолатида объектнинг қаддиқ қиммати жумладан, буюртмачи банкка харажатлари	Экспертнинг ҳудудаси рақами ва санади	Тендер (тақдир)лар натижаси бўйича баённома рақами ва санади	Қуришни нудурат ташкил қилиш йили		
								Жами қаралган қурилишлар	Қуришни манзиллари	Жами	Буюртмачи банкка харажатлари		Муддат/қувват	Асосий фонд сўзламоғи							
											Жами	жумладан, сақлаш харажати									
1	Тошкент вилояти бўйича жами:		0,76 км. 1 объект					3 600,00	720,00		80,00										
1	Чинвоз тумани "Қоли" МФИда янги қуриладиган куп қаватли уй-жойларнинг ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш	2022-2023 йй	0,5 км					200,00	165,00		35,00										Танлов (тендер) савдолари орқали аниқланади
	ич жумладан ЛҚИ:										25,00										
2	Чинвоз тумани "Тинчлик" МФИда янги қуриладиган куп қаватли уй-жойларнинг ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш	2022-2023 йй	0,26 км. 1 объект					600,00	555,00		45,00										Танлов (тендер) савдолари орқали аниқланади
	ич жумладан ЛҚИ:										35,00										
	Тақсимланмаган лимит							2 800,00													

*) Объектнинг қуввати ва қиймати лойиҳа смета ҳужжатлари ишлаб чиқилгандан сунг аниқланади ва молиялаштириш очилади.

"Киришилади" "Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича илжинириг компанияси" УК Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи
Ф.Уралбаев
2022 йил " " "



"Келишилади" "Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича илжинириг компанияси" УК директори
Х.Якубов
2022 йил " " "



"Келишилади" Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
2022 йил " " "

"Келишилади" Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
2022 йил " " "

Handwritten signatures at the bottom of the page.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

2022 йил “14” февраль

Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган йиғилишнинг
22-сон баёни

2022 йил “8” февраль

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи: **А.Н. Арипов** – Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири

Қатнашдилар: **А.Ж. Раматов** – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари

Манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бошқаруви органлари ва ташкилотлар раҳбарлари *(руйхат буйича)*

КУН ТАРТИБИ:

2022 йилда кўп квартирали уй-жойлар қуриладиган ер участкаларининг манзилли рўйхатини тасдиқлаш ҳамда уларни электрон онлайн-аукцион асосида ажратиш тўғрисида

(Арипов, Раматов, Закиров, Ишметов, Адилов, Бобоев, Кудбиев, Бадриддинов, Пирматов, Арипов)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 9 декабрдаги ПФ–32-сон Фармониға мувофиқ 2022 йилда қуриладиган кўп квартирали уй-жойлар учун ер участкаларининг манзилли рўйхатини тасдиқлаш белгиланган.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан янги тартиб доирасида 2022 йилда жами **24 746 та** квартирадан иборат бўлган **703 та** кўп квартирали уй-жойлар қуриш учун ер участкалари танланиб, лойиҳа таклифлари ишлаб чиқилмоқда.

Ушбу **703 та** кўп квартирали уй-жойлар қурилиши учун республика ҳудудларидан муҳандислик-коммуникация тармоқларига яқин бўлган жами **161 та** массивлар танлаб олинган.

Кун тартибидаги масалаларни атрофлича муҳокама қилиб, билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни инобатга олиб, қишлоқ жойларда ҳамда шаҳарларда қуриладиган кўп квартирали уй-жойларни ўз вақтида ва сифатли қуриб битказиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг таклифлари асосида шакллантирилган:

олдинги йилларда барпо этилган массивларнинг бўш турган ер участкаларида ва уй-жойга талаб юқори бўлган бошқа ҳудудларда 2022 йилда янги қуриладиган уй-жойларнинг манзилли рўйхати ва қурилиш параметрлари **1-иловага** мувофиқ;

2022 йилда қуриладиган уй-жойлар учун танланган ер участкаларининг йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмалари билан таъминланганлик кўрсаткичлари **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев) Молия вазирлиги (Ишметов) билан биргаликда ушбу баёнга 2-иловага мувофиқ қишлоқ жойларда қуриладиган кўп квартирали уй-жойларни йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмалари билан таъминлаш ишлари учун талаб этиладиган маблағларни 2022 йилда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурида кўп квартирали уй-жой массивларининг муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш ишлари учун назарда тутилган маблағлар ҳисобидан ажратилишини таъминласин.

3. Белгилансинки, кўп квартирали уй-жойларнинг қурилиш ости ер участкалари тадбиркорлик субъектларига электрон онлайн-аукцион орқали ижара ҳуқуқи асосида сотилади, шунингдек, кўп квартирали уй-жойларга туташ ер участкалари уй-жой қуриб битказилгандан кейин маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органининг тегишли қарори билан кўп квартирали уй-жой мулкдорларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратиб берилади.

4. Кўп квартирали уй-жойлар қурилиши учун танланган массивларни ва ташқи муҳандислик-транспорт коммуникацияларини қуришда қуйидагилар:

а) кўп квартирали уй-жойлар қурилиши учун танланган массивларнинг топогеодезия, геология-қидирув ишлари ва массивларни қуриш лойиҳаларини (проект застройки) ишлаб чиқиш, ҳудудларни ободонлаштириш ишларини бажариш бўйича – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниялари;

ташқи автомобиль йўлларини қуриш бўйича – Автомобиль йўллари кўмитаси;

иситиш қозонхоналари ва иссиқлик тармоқларини қуриш бўйича – Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги;

ташқи ичимлик ҳамда оқова сув таъминоти тармоқларини қуриш бўйича – “Ўзсувтаъминот” АЖ;

ташқи электр ҳамда газ таъминоти тармоқларини қуриш бўйича – “Худудий электр тармоқлари” АЖ ва “Худудгазтаъминот” АЖ;

ташқи алоқа тармоқларини қуриш бўйича – “Ўзбектелеком” АЖ буюртмачи этиб белгилансин.

Белгилаб қўйилсинки, кўп квартирали уй-жойларни ташқи муҳандислик-транспорт коммуникациялари билан таъминлаш бўйича 2021 йилда бошланган йилдан-йилга ўтувчи объектларнинг қурилиши амалдаги буюртмачилар томонидан якунига етказилади;

б) ташқи муҳандислик-транспорт коммуникацияларини барпо этадиган лойиҳа ва пудрат ташкилотлари давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ аниқланади;

в) электрон онлайн-аукционда ғолиб деб топилган тадбиркорлик субъектларига кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун “ССС” ва ундан юқори рейтингга эга бўлган қурилиш ташкилотларини жалб қилишга рухсат этилади.

5. Кўп квартирали уй-жойлар қурилиши учун танланган массивларда қуйидаги ишлар:

қишлоқ жойларда – массивларни қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, ташқи автомобиль йўллари, ичимлик ва оқова сув таъминоти тармоқларини ҳамда иситиш қозонхоналари ва иссиқлик тармоқларини қуриш – 2022 йилда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурида кўп квартирали уй-жой массивларининг муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш ишлари учун назарда тутилган маблағлар ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан;

шаҳарларда – массивларни қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, ташқи автомобиль йўллари, ичимлик ва оқова сув таъминоти тармоқларини ҳамда иситиш қозонхоналари ва иссиқлик тармоқларини қуриш – ҳудудларда ташкил этилган Тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш жамғармалари, зарур ҳолларда, маҳаллий бюджет ёки қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан;

қишлоқ жойларда ташқи электр ҳамда газ таъминоти тармоқларини қуриш – “Худудий электр тармоқлари” АЖ ва “Худудгазтаъминот” АЖларнинг ўз маблағлари ва республика бюджети маблағлари ҳисобидан;

шаҳарларда ташқи электр ҳамда газ таъминоти тармоқларини қуриш – “Худудий электр тармоқлари” АЖ ва “Худудгазтаъминот” АЖларнинг ўз маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан;

кўп квартирали уй-жойларни қуриш – тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағлари, тижорат банкларининг кредитлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан;

ички муҳандислик - транспорт коммуникацияларини қуриш – тадбиркорлик субъекти томонидан ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади ва мазкур харажатлар уй-жойнинг нархига киритилади;

қуриладиган уй-жойларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш ишлари – маҳаллий бюджет маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

6. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев), Молия вазирлиги (Ишметов), Қурилиш вазирлиги (Закиров), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 апрелдаги 61-сон йиғилиш баёнига 1-иловага асосан танланган массивлардаги ҳамда фуқароларнинг алоҳида тоифалари учун 2021 йилда қурилиши бошланган кўп қаватли уй-жойларнинг ташқи йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини қуриш лойиҳаларининг манзилли дастурини ишлаб чиқиши ва Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

Бунда манзилли дастур тасдиқлангунга қадар 2021 йилда қурилиши бошланиб йилдан йилга ўтувчи ташқи йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси лойиҳаларини буюртмачилар томонидан ишлаб чиқилиб, тегишли вазирликлар ва идоралар билан келишилган манзилли рўйхатга мувофиқ молиялаштиришга руҳсат берилади.

7. Қурилиш вазирлиги (Закиров):

а) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев), Молия вазирлиги (Ишметов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

икки ҳафта муддатда 2022 йилда кўп квартирали уй-жойлар қурилиши учун танланган массивларнинг (шу жумладан, “Янги Ўзбекистон” массивларининг) топогеодезия, геология-қидирув ишлари ва массивларни қуриш лойиҳалари (проект застройки) ишлаб чиқиш учун ҳудудлар кесимида талаб этиладиган маблағлар параметрларини шакллантирсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

“Янги Ўзбекистон” массивларнинг бош режаларини ва қуриш лойиҳаларини 2022 йилги инвестиция дастури доирасида бош режа, ҳудудларнинг архитектура-режалаштириш лойиҳалари ва батафсил режалаштириш лойиҳалари учун ажратилган маблағлар ҳисобидан ишлаб чиқиш чораларини кўрсин;

Бунда бош режаларни ва қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ харажатлар 2022 йилги ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида иқтисод қилинган ва мақбуллаштирилган маблағлар ҳисобидан қоплаб берилиши белгилаб қўйилсин.

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2022 йил 25 февралга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги ПФ–32-сон Фармони билан тасдиқланган “Янги Ўзбекистон” массивларида жорий йилда ва келгуси йилларда қуриладиган объектларни ҳисобга олган ҳолда, массивларни қуриш лойиҳаларини ҳудудларнинг бош режалари билан уйғунликда ишлаб чиқиши таъминласин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари “Янги Ўзбекистон” массивларини куриш лойиҳалари ишлаб чиқилгандан сўнг мазкур массивларда белгиланган ижтимоий соҳа объектларини куриш лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун манзилли рўйхатни шакллантирсин ва келишиш учун Молия вазирлигига ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига киритсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниялари массивларни куриш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича талаб этиладиган маблағлар параметрлари тасдиқлангандан сўнг:

уч кун муддатда массивларнинг топогеодезия, геология-қидирув ишлари ва массивларни куриш лойиҳаларини (проект застройки) ишлаб чиқиш бўйича белгиланган тартибда шартномалар тузсин;

бир ҳафта муддатда манзилли рўйхатлар шакллантирилиши, тасдиқланиши ва молиялаштириш бошланишини ҳамда шартномада белгиланган муддатларда массивларнинг топогеодезия, геология-қидирув ишлари ва массивларни куриш лойиҳаларини (проект застройки) ишлаб чиқилишини таъминласин.

10. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Хидоятлов), Автомобиль йўллари кўмитаси (Абдувалиев), “Ўзсувтаъминот” АЖ (Саифназаров), “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ (Мустафоев), “Ҳудудгазтаъминот” АЖ (Эшмуратов), “Ўзбектелеком” АЖ (Ҳасанов) ва бошқа буюртмачилар ташқи муҳандислик-транспорт коммуникацияларини куриш бўйича:

уч кун муддатда ушбу баённомага 2-илова билан тасдиқланган манзилли рўйхат асосида фойдаланувчи ташкилотлар билан биргаликда зарур қувватдаги ташқи муҳандислик-транспорт коммуникацияларини куриш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича манзилли рўйхатларни тасдиқлашни;

йигирма кун муддатда массивларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича белгиланган тартибда тендер (танлов) савдолари ўтказилишини, шартномалар тузилишини ҳамда манзилли рўйхатлар тасдиқланиши ва молиялаштириш бошланишини;

шартномада белгиланган муддатларда лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиши ва давлат экспертизасидан ўтказилишини ҳамда белгиланган тартибда пудрат ташкилотлари аниқланиши ва қурилиш ишлари бошланишини;

кўп қаватли уй-жойлар куриш ишлари якунланиши билан бир вақтда ташқи муҳандислик-коммуникация инфратузилмалари фойдаланишга топширилишини таъминласин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги (Умаров) билан биргаликда:

а) **бир ҳафта муддатда** янги тартиб асосида кўп квартирали уй-жойларни қуриш учун ушбу баённомага 1-иловада келтирилган қурилиш ости ер участкаларининг белгиланган тартибда электрон онлайн-аукцион орқали ижара ҳуқуқи асосида лотларга бўлган ҳолда савдога чиқарилишини таъминласин.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги ПҚ–5087-сон қарорига мувофиқ халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига олис ва чекка ҳудудларда жойлашган ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи ва ижара ҳуқуқини электрон онлайн-аукционга қўйишда ер участкасининг бошланғич нарҳини 50 фоизгача камайтириш ваколати берилганлиги инобатга олинсин;

б) электрон онлайн-аукцион орқали тегишли мажбуриятлар билан сотилган ер участкаларидан мақсадли фойдаланиш бўйича тизимли назорат ўрнатсин;

в) кишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларида қурилиш ишлари олиб борилмаслиги юзасидан қатъий назорат ўрнатсин.

12. Қурилиш вазирлиги (Закиров):

а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда кўп квартирали уй-жойларни лойиҳалаш ва қуришда белгиланган қурилиш нормалари ва қоидаларига, қурилиш-монтаж ва пардозлаш ишларини бажариш сифатига қатъи риоя этилиши бўйича ташкилий-техник тадбирлар амалга оширилиши;

б) тадбиркорлик субъектлари томонидан кўп қаватли уй-жойларни қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари қонунчиликда белгиланган муддатларда тайёрланиши, келишилиши ва қурилиш ишлари бошланишини таъминласин;

в) объектларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказсин ҳамда қурилиш жараёнларида техник, муаллифлик ва ички назоратларни таъминлаш, қурилиш-монтаж ишларини тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ бажарилиши юзасидан давлат назоратини ўрнатсин;

г) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **ун кун муддатда** Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ–6186 - сон Фармони асосида 2021 йилда республиканинг барча ҳудудларида қурилиши бошланган кўп квартирали уй-жойларни белгиланган тартибда тўлиқ рўйхатдан ўтказиш ҳамда қурилиши якунланган кўп қаватли уй-жойларни фойдаланишга топшириш далолатномасини расмийлаштириш чораларини кўрсин ҳамда натижаси юзасидан Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритсин;

д) **икки ҳафта муддатда** 2022 йилда аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастури доирасида намунавий лойиҳалар асосида цемент ва металл прокати бўйича талабни ҳамда ҳар бир типдаги уй-жойлар учун талаб этиладиган цемент ва металл прокатиининг энг юқори ҳажмини ишлаб чиқсин;

е) республика худудларида қурилатган кўп квартирали уй-жойлар ва яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун рўйхатдан ўтказилганлиги ва уларни фойдаланишга топшириш далолатномалари тузилганлиги туғрисидаги **хафталик маълумотларни** мунтазам равишда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига киритиб борсин.

13. Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги (Умаров) Давлат активларини бошқариш агентлиги (Ортиқов) билан биргаликда кўп квартирали уй-жойларнинг қуриш учун электрон онлайн-аукционга чиқарилган ер участкалари ва савдо натижалари юзасидан **хафталик маълумотларни** мунтазам равишда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига киритиб борсин.

14. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги ПФ–32-сон Фармонига мувофиқ 2023 йил 1 январга қадар Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 апрелдаги 73-сон йиғилиш баёнининг 2-банди билан ташкил этилган уй-жой қурувчи ташкилотлар учун цемент ҳамда металл прокатини сотиш бўйича алоҳида биржа савдо секциясида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ–6186-сон Фармони талаблари асосида “Янги Ўзбекистон” массивларида ҳамда ушбу баённомага 1-2 иловалардаги массивларда кўп квартирали уй-жойларни қурадиган ташкилотлар, “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ, “Ўзшаҳар қурилиш инвест” МЧЖ ИК иштирок этишларига рухсат берилади.

Бунда 2021 йилда қурилиши бошланган кўп қаватли уй-жойларнинг қурилиш-монтаж ишларини “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ жорий йилнинг **май ойи** ҳамда “Ўзшаҳар қурилиш инвест” МЧЖ ИК жорий йилнинг **сентябрь ойи** якуни билан **тулиқ якунлашлари қатъи белгилаб қўйилсин.**

15. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев), Қурилиш вазирлиги (Закиров), “Ўзбекистон товар-хомашё биржаси” АЖ (Бадриддинов)нинг Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 апрелдаги 61-сон йиғилиш баёни билан тасдиқланган 2021 йилда республиканинг барча худудларида қурилиши белгиланган кўп квартирали уй-жойлар учун алоҳида биржа савдо секцияси орқали уй-жой қурувчи ташкилотларга ажратилган цемент ҳамда металл прокатининг ўзлаштирилмаган ҳажмларини жорий йилда олиш бўйича берган таклифига розилик берилсин.

16. Қурилиш вазирлиги (Закиров) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ҳар ойнинг 5-санасига қадар тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида цемент ва металл прокатига бўлган талабни пудрат ташкилотлари кесимида шакллантирсин ва белгиланган муддатларда “Ўзбекистон товар-хомашё биржаси” АЖга тақдим этсин.

Бунда тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида цемент ва металл прокатига бўлган талабни пудрат ташкилотлари бўйича шакллантириб, “Ўзбекистон Республика товар-хомашё биржаси” АЖга белгиланган муддатларда киритиш ҳамда цемент ва металл прокати мақсадли сарфланиши бўйича Қурилиш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, “Қишлоқ қурилиш инвест” МЧЖ ИК, “Ўзшаҳар қурилиш инвест” МЧЖ ИК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияларининг раҳбарлари шахсан масъул ҳисобланади.

17. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан:

икки ҳафта муддатда ушбу баённомага 1-иловадаги массивларда ва “Янги Ўзбекистон” массивларида қуриладиган кўп квартирали уй-жойларни 2022 йил 1 декабрга қадар қуриб битказиш бўйича тармоқ жадваллари ишлаб чиқилсин ҳамда тасдиқланган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига ва Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига тақдим этилсин;

ушбу баённомага 1-иловада келтирилган массивларда қуриладиган кўп квартирали уй-жойларнинг ўз муддатида ва сифатли қилиб фойдаланишга топширилиши таъминлансин;

ўн кун муддатда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 апрелдаги 61-сон йиғилиш баёнига 1-иловага асосан танланган массивларда қурилиши бошланган кўп қаватли уй-жойларнинг аниқлаштирилган параметрларини (фойдаланишга топшириш муддатларини кўрсатган ҳолда) тасдиқлаб, умумлаштириш учун **Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига киритилсин.**

18. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев) Молия вазирлиги (Ишметов) Қурилиш вазирлиги (Закиров) билан биргаликда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари томонидан тақдим этилган 2021 йилда қурилиши бошланган кўп қаватли уй-жойлар параметрларини пухта кўриб чиқиб, тасдиқлатиш учун **уч кун муддатда** Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

19. Қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари Д. Адиловга қурилиш-монтаж ишларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, уларда маҳаллий замонавий қурилиш материаллари ва ускуналарини кенг қўллаш орқали уй-жойларнинг нархини пасайтириш ҳамда қурилиш ташкилотлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

20. Ушбу мажлис баёнининг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг Ҳудудларни комплекс ривожлантириш, коммуникациялар, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги котибияти мудири Ш. Абидов зиммасига юклансин.

Олдинги йилларда барпо этилган массивларнинг буш турган ер участкаларида ва уй-жойга талаб юкори булган бошқа
худудларда 2022 йилда янги қуриладиган уй-жойларнинг манзилли руйхати ва қурилиш параметрлари*

Т/р	Худудлар номи	Уй сони	Кават сони	Хонадон сони	Ер майдони (га)	Зилзилага бардош- lilik (балл)	Қурилиш тури	Қишлоқ хўжалигида фойдала- ниладиган ер майдонлари	Ер участкаларини ажратиш
161	Республика буйича жами:	703		24 746	427,8				
8	Қорақалпоғистон Республикаси	30		1 200	6,7				
